2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

11 (561)

2007 йил 14 март

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оксоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 саҳифада

▶ Ҳашар элимизни бирлаштирди

▶ Обод маҳалла — юртимиз кўрки

3 саҳифада

▶ Олтмиш йилда топишган отахонлар

▶ «Имом Бухорий билмаган ҳадис ҳадис эмас»

4 саҳифада

▶ Қўлёзмаларда яширин тарих ёзмиши...

▶ Дукчи Эшон кутубхонасидаги хазина

Расмий хабар

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азиз 13 март куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 14 март куни бўлиб ўтади. Юқори мартабали меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган.

Музокараларда Ўзбекистон—Покистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилиниб, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашиш ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎзА)

14 март — "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони таъсис этилган кун

БАХШИЛИ ЮРТ БОЛАЛАРИ БОТИР БЎЛГАЙ

Истиқлол йилларида барча жабҳаларда бўлгани сингари мамлакатимизнинг маънавий-маданий ҳаётида ҳам улкан янгиланишлар юз берди. Миллий маданиятимизни ривожлантиришга, аждодларимиз меросини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бир қанча халқ достонлари китоб ҳолида нашр этилди, 1999 йили давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди.

Манбаларда қайд этилишича, «бахши» сўзи «устод», «маърифатчи» маъноларини англатади.

Миллий қадриятларимиз, хусусан, халқ оғзаки ижодиётини аждодлардан авлодларга бекаму кўст етказиб келаётган фидойи бахшиларга эътибор янада кучайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2000 йилнинг 14 мартда қабул қилинган Фармонига биноан "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони таъсис этилиши маънавий ва маданий меросимиз давомчиларига кўрсатилган улкан ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди.

Ўтган йилларда халқимиз орасида алоҳида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган бир қатор бахшилар мазкур унвон билан тақдирланди. Улар орасида Шомурод Тоғаев, Абдуқаҳҳор Раҳимов, Қаҳҳор Норматов, Абдуназар Поёнов, Бобараим Маматмуродов, Зиёдулла Исломов сингари бахшилар бор.

Юртимизда достончилик анъаналари милоддан аввалги олтинчи-бешинчи асрлардаёқ кенг тараққий топганлигига оид маълумотлар мавжуд. Милодий 7-8 асрда турли мавзулардаги қиссалар, достон ва номалар кенг тарқалган. "Меърожнома", "Бобо Равшан", "Пайғамбарлар ҳикояти", "Султонбойнинг меърожи", "Юсуф ва Зулайҳо", "Кийикнома" сингари достонлар ана шулар сирасига киради.

Бугун юртимизда бахшичилик анъаналарини давом эттириб, уни бойитиб, ўзига хос янги ижро мактаби яратиш устида иш олиб бораётган бахшилар кўп.

Донолар айтганидек, бахшиси бор юртнинг ботири кўп бўлади. Зеро, гўзаллик, жисмоний ва маънавий камолот, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, садоқат, муҳаббат, мурувват, яхшилик сингари инсоний фазилатлар мадҳ этилган достонлар руҳида тарбия топган авлод қалби ҳамиша ана шундай эзгуликларга ошён бўлади.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Хоразм вилояти

"ХИВА—КАРПЕТ" гиламлари

келажакда унинг сифати янада яхшиланади, баҳоси эса арзонлашади

Бундан икки йил аввал "Хива—Карпет" Ўзбекистон—Германия қўшма корхонаси дебитор ва кредитор қарзлари ортиши оқибатида анча ночор аҳволга тушиб қолганди. Албатта, мазкур ҳолат корхонадаги меҳнат қилаётган юзлаб кишиларнинг моддий аҳволига салбий таъсир қилиши, ҳудудда ишсизлар сонининг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин эди. Бироқ Хоразм вилояти хўжалик суди мавжуд муаммоларни ўрганиб, у ерда ташқи бошқарувни жорий қилди.

Корхонада бошқарувнинг янги тизими жорий этилгач, аввал йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлил этилди. Маҳсулот таннархи арзонлаштирилиб, мижозларга юз фоиз тўловни амалга оширгандан сўнггина маҳсулот сотиш бўйича тартиб ўрнатилди. Бунинг самараси ўлароқ, "Хива—Карпет" 2006 йилда 653 минг кв. метр ҳажмдаги гилам ишлаб чиқарди, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 6764 млн. сўмни ташкил қилди. Бу 2005 йилга нисбатан 160 фоиз кўп.

Шунингдек, корхона Афғонистоннинг "Ҳожизода Зафарий" компанияси ҳамда Россиянинг "Камос" гилам тўқиш фабрикаси билан ярим жун ипкалаваси тайёрлаб бериш бўйича шартнома имзолаган. Шу боис жорий йилда ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш режалаштирилган.

"Хива—Карпет"нинг асосий мақсади мижозларга арзон ва сифатли маҳсулот етказиб бериш. Бунинг учун корхона Хитойнинг "Нингбо Чемиал Фирберс СО ЛТД" компанияси билан жаҳон гиламчилигида кенг қўлланиб келинаётган нитрон толаси ўрнини босувчи суньий толалар, ҳар хил юқори сифатли ва арзон нархларда бошқа хом ашёларни келтириб бериш бўйича шартнома имзолаган. Шартнома шартлари тўлиқ бажарилса, маҳсулот таннархини ҳозиргига нисбатан 35-40 фоизга арзонлаштириш мумкин бўлади.

Манба:Region.uz

Юртимизда Наврўз тараддуди:

10-11 март кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом эттмоқда!

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

ЭЛни БИРЛАШТИРГАН ҚАДРИЯТ

Халқимиз эзгу иш йўлида тез жипслашади. Кўпчиликнинг боши қовушдими, бас, битмайдиган ишнинг ўзи йўқ.

10-11 март кунлари халқимизга хос ана шундай хайрли анъаналар яна бир бор синовдан ўтди. Аниқроғи, Юртбошимизнинг "Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори асосида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари Ўзбекистон аҳлини муштарак мақсад атрофида бирлаштирди.

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар АҲМЕДОВ билан юртимизда бўлиб ўтган мазкур умумхалқ хайрия ҳашари ҳақида суҳбатлашдик.

— Мустақиллик йилларида ҳашар анъанаси яна қадрият даражасига кўтарилди. Бунинг боиси юртдошларимиз қалбидаги юртни обод қилиш иштиёқи, истагига боғлиқ бўлса керак? Ахир ўзбекнинг хонадони ҳар доим сариштa, маҳалласи ҳамиша обод бўлган эмасми?

— Суюкли набираси билан бирга ниҳол экаётган отахонни кўп кўрганмиз.

Бундай ҳолдан ўша хонадонда кўчат ўтқазиш юмуши ҳали қўлидан иш келмайдиган шу болакайга ёки кексалик гаштини суриш ёшидаги отахонга қолгандир, десангиз янглишасиз. Негаки, бу ҳам халқимизга хос удум. Хонадоннинг ёши улуғ вакили иш бошида турар экан, табиийки, шу оиланинг кичик ёшидаги аъзоларига ибрат бўлади. Қария айнан шу йўл билан наслининг давомчилари қалбига меҳнаткашлик фазилатларини сингдиради, йўл-йўриқ, тажриба ўргатади. Ҳашарда ҳам шундай анъана мавжуд. Ишга даъват этилдими, тамом, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган каттаю кичик ўзини четга тортмайди, ҳамма баб-баробар ишга киришади.

Қолаверса, туман ва шаҳарларимизнинг, қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг умумхалқ миқёсида ҳашар ўтказилиб, ободонлаштирилиши, кўкаламзорлаштирилиши бежизга эмас. Ахир бугун бир ўсмир ҳашарга чиқиб, ўзи кўчат ўтқазса, эртага унинг шохларини ўз қўллари билан синдиришга бетлай олармикан?! Ёхуд кўпчилик бўлиб ҳашарда чиқиндилардан тозаланган майдонга эртага кимдир яна чиқинди тўкмоқчи бўлса, ким бефарқ қараб тура олади?! Зеро, ана шундай тарбиявий жиҳатлари билан ҳам ҳашар анъанаси неча асрлар оша ўз аҳамиятини, қадр-қимматини йўқотмай келаяпти. Аслида қадимда ҳам ота-боболаримиз Наврўз байрами арафасида ҳашарлар уюштириб, ободонлаштириш ишларини олиб борганлар. Ҳашарларда экинлар экилган, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилган ҳамда ота-оналар, қариялар улуғланиб, уларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-мурувват кўрсатилган. Шунингдек, беморлар ҳолидан хабар олиш, кўнглини кўтариш, марҳумларни ёд этиб, қабрларини зиёрат қилиш каби хайрли анъаналар ҳам айниқса, ҳашар кунларида анча жонланган. Шундай экан, бугун ҳашарни қадрият даражасида эъзозлаш ҳамда унинг авлодлар оша барҳаётлигини таъминлаш олдимиздаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Давоми 2-саҳифада

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистондаги дастлабки пахтани қайта ишлаш корхоналаридан бири — "Чимбой момиғи" ҳиссадорлик жамияти жамоалари Қораузак, Чимбой ва Мўйноқ туманлари пахтакор хўжаликларига хизмат кўрсатади.

"ЧИМБОЙ МОМИҒИ"да ИШ ҚИЗҒИН

Ўтган йил корхона учун анча самарали бўлди. 16441 тонна пахта қабул қилиб олди, хомашёнинг сифатли сақланишига эришилди. Жамиятнинг катта тажрибага эга бўлган мутахассислари раҳбарлигида 4 та бригада аъзолари ҳозирга қадар 10,5 минг тонна пахтани қайта ишлаб, унинг кўп қисмини хорижий буюртмачиларга терминал орқали жўнатишга эришишди.

Корхонада пахтачилик хўжаликларидаги фермерларга уруғлик чигит етказиб бериш ҳам яхши йўлга қўйилиб, сара уруғлик жўнатиш 8 та шахобчалар орқали амалга оширилмоқда.

Аҳил жамоа аъзолари қолган хомашёни қайта ишлашни сифатли тугаллаб, галдаги пахта йиғим-терими мавсумидан олдин таъмирлашни барвақт бошлашни режалаштирмоқда.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Навоий вилояти

КИЧИК ЦЕХГА ҲАРБИЙ ҚИСМДАН БУЮРТМА

Навбаҳор туманидаги Янгиқўрғон қишлоғида яшовчи Мавжуда Жумаева узоқ йиллардан бери бош кийимлари тикиш билан шуғулланиб келади.

Уларнинг қоракўл, ондатра ва норка териларидан тиккан телпаклари мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги савдо дўконларида, бозорларда сотилмоқда.

— Хомашёнинг асосий қисми ўзимизнинг фермер хўжалигимизда етиштирилаётгани боис, маҳсулотларимиз нархи анчагина арзон, — дейди Мавжуда Жумаева. — Айни пайтда хўжалигимизда боқилаётган қоракўл қўйлар, ондатра ва норка каби мўйнали жониворлар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Яқинда Тошкентдаги ҳарбий қисмдан ҳам буюртма қабул қилдик. Эндиликда аскар ва офицерлар учун телпаклар тикишни йўлга қўймоқдамиз. Келгусида цехимизни янада кенгайтириш ва хорижга ҳам маҳсулот чиқариш ниятидамиз.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

КЎҲНА ШАҲАРДА ТАНЛОВ

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан "Самарқандим — кўҳна шаҳрим" номли кўрик-танлов эълон қилинди.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳардаги мавжуд 192 та маҳаллалар ўртасида ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов орқали миллий қадриятлар, урф-одатлар ва удумларимизни қайта тиклаш, маҳаллаларда яшаётган турли миллат вакилларининг ўзаро бирдамлиги ва тотувлигини янада мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш кўзда тутилган. Танловларда иштирокчилар миллий анъаналаримизни акс эттирувчи ва Самарқанд шаҳрини мадҳ этувчи миллий ашулаларни ижро этишади. Турли миллат ва элат вакиллари эса ўз миллий маданиятига хос маросимларни, ўзаро тотувликни ифода этувчи композицион чиқишларни намоён этишади. Бундан ташқари, ҳар бир маҳалла ўз ҳудудига хос бўлган халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, тикувчилик, каштачилик ва зардўзлик намуналаридан тузилган кўргазмалар ташкил этишади.

Ғолиблар юбилей тантаналарида кўрик-танлов ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

— Яна нима дейди?
— Мақтанган боксчининг қандай қулаганини кўрдингизми? — дейди...

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом эттмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

10-11 март кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда!

ЭЛНИ БИРЛАШТИРГАН ҚАДРИЯТ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

— Икки кун давом этган умумхалқ хайрия ҳашари тадбирларида бажарилган хайрли ишлар сарҳисоби ҳақида маълумот бериб ўтсангиз.

— Хайрия ҳашарида республикамиз бўйича умумий ҳисобда 15 миллион 230 минг нафардан зиёд аҳоли иштирок этди.

Умумхалқ ҳашари кунларида кўпқаватли binolar ва ҳовли-жойлар атрофи, ариқзовурлар, канализация қувуқлари, гузар ва хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тозаланди ҳамда болалар ўйингоҳлари тартибга келтирилди. Турар-жой мавзелари, маҳаллаларда гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, дарахтларни оқлаш, буташ, кўча ҳамда йўлакларни тартибга келтириш, қурилиш ва маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва ташиб кетиш ишлари бажарилди. Жумладан, ҳашар давомида 34252 гектар майдон ҳамда 5869 та зиёратгоҳ ва қабристон ободонлаштирилди, 25264 км узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди, 71789 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди, ўн миллионлаб манзарали, мевали дарахтлар ва гул кўчатлари экилди ҳамда дарахтлар оқланиб, шакл берилди.

— Қарорда ҳам, халқимиз тилида ҳам бу тадбир умухалқ хайрия ҳашари деб аталди...

— Айтиш жоизки, 10-11 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари нафақат ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик борасидаги ишлар, балки ушбу кунларда кенг қамровда ташкил этилган меҳр-мурувват, хайр-саховат тадбирлари билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки ҳашар жараёнида маҳаллий ҳокимликлар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари мутасадди ходимлари, турли ташкилотлар, ҳомийлар кўмагида, бошчилигида кексалар, ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашилди. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳашар йўли билан таъмирланган бундай уй-жойларнинг умумий майдони 370709 квадрат метрни ташкил этди. Бинобарин, аҳолининг эҳтиёжманд қатламига хайрия ҳашари муносабати билан 472466 минг сўм миқдорида мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Албатта, умумхалқ хайрия ҳашари тадбирлари юртимизнинг ҳар бир ҳудудида амалга оширилган ўзига хос хайрли ишлар билан ҳам аҳамиятли бўлди. Жумладан, Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний номли маҳалла гузари, Вобкентда 1000 ўринли янги бозор мажмуаси, Кумушкентда Педагогика коллежи, Когон ва Шофирконда Саид Мир Кулол зиёратгоҳи ва Хўжа Ориф ар-Ревгарий мақбараси қайта таъмирланди ҳамда тўрт гектарга яқин янги боғ, шунингдек, Нефтчилар ва газчилар шаҳрида беш гектарлик боғ бунёд этилди.

Сурхондарё вилоятида эса Термиз тумани аҳолиси иштирокида Ат-Термизий номли маҳалла ҳудудида жойлашган Ал-Ҳаким Ат-Термизий зиёратгоҳи, Шерободдаги Исо Ат-Термизий, Қизирикдаги Таҳия ота ҳамда Чилгаз зиёратгоҳлари ободонлаштирилди.

Жиззах вилояти ҳудудни гуллар шаҳрига айлантириш ташаббуси билан чиқиб, барча шаҳар кўчалари ва хиёбонларига ҳар хил турдаги беш миллиондан ортиқ гул кўчатлари ўтқазилди.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан вилоятнинг барча ҳудудларида кенг кўламли бунёдкорлик ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Қамаши, Миришкор, Муборак, Касби, Чироқчи, Шаҳрисабз туманлари ва Қарши шаҳрида жами беш юз гектардан зиёд ҳудудда янги боғлар яратилди.

Хоразм вилоятида Замахшарий, Нажмиддин Кубро ва Авесто боғларида ободонлаштириш, Урганч шаҳридаги шоҳ кўчаларга беш километрлик асфальт ётқизиш ва Хива туманидаги "Мурувват" уйини жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Тошкент шаҳри С.Раҳимов туманидаги Ҳастимом мажмуасини обод қилиш, "Чиғатой" қабристонида кенг ободонлаштириш ишларини олиб боришга пойтахт аҳли

муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, Гурич ариқ, Истиқлол, Обод маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида маҳалла марказлари ҳамда А.Яссавий номли маҳаллада болалар спорт майдончаси қуриб битказилди. Учтепа туманида эса қишки ва ёзги мавсумга ихтисослашган спорт мажмуаси, тикув фабрикаси ва республикамизда ягона компьютер томография марказини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

— Давлатимиз раҳбарининг биз юқорида таъкидлаб ўтган "Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарорида умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан республикамиздаги вазирликлар, идоралар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчиларининг бир кунлик иш ҳақи Республика "Маҳалла" жамғармаси бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказилиши белгиланган. Хўш, ушбу хайрия маблағлари келгусида қандай мақсадларга йўналтирилади?

— Президентимизнинг мазкур Қарорида бу ҳақда ҳам кўрсатмалар мавжуд. Хусусан, хайрия ҳашари муносабати билан жамғармамиз, унинг бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказилган маблағлар йил давомида "Ижтимоий ҳимоя йили" дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, жумладан, "Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" уйлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ва уларни зарур асбоб-ускуналар, инвентарлар билан жиҳозлаш каби кўплаб хайрли ишларга сарфланади.

Хўш, бу тадбир моҳиятида қандай мақсадлар мужассам?!

Гап шундаки, юртимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида энг аввало, инсонлар манфаатини таъминлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи устувор туради. Қолаверса, Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 14 йил тўлиши муносабати билан қилган маърузасида юртдошларимизни саховатпешаликка даъват қилиб, ижтимоий ҳимоя масаласи нафақат давлат ташкилотларининг, балки кенг жамоатчиликнинг ишига айланиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу нуқтаи назардан умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағларнинг жамғармамиз ҳисоб рақамларига ўтказилишини ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчиларининг саховатпешалиги, ижтимоий ҳимоя тадбирларига қўшган муносиб ҳиссаси деб баҳолаш, мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, айнан шу маблағлар эртага унинг эҳтиёжманд маҳалладоши, ҳамшаҳари, юртдошлари корига ярайди, оғирини енгил қилади.

Айни пайтга қадар республикамиздаги барча ташкилот, муассаса ва идораларга жамғарманинг ҳисоб рақамлари маълум қилинган.

Фаррух БЎТАЕВ суҳбатлашди.

Тошкент шаҳри

Умумхалқ хайрия ҳашарида пойтахт аҳолисининг 996 минг 7 нафари иштирокида 1838 гектар ҳудудда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 3 минг 155 тонна миқдоридаги маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. Шунингдек, 903 км масофадаги ариқ ва лотоклар ҳам тозаланди.

Шу кунларда экилган 75 минг 257 туп манзарали, 55 минг 60 туп мевали дарахт ва 86 минг 613 туп гул кўчатлари шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Ҳашар давомида 389 минг 650 туп дарахтга шакл берилиб, танаси оқланди. 46 минг метр квадрат ҳажмдаги уйлар ҳашар йўли билан таъмирланди. Мана шу ишларни амалга оширишга жами 1236 та техника воситалари жалб қилинди.

Ҳашар кунлари пойтахтдаги зиёратгоҳ ва қабристонлар ҳам эътибордан четда қолмади. Бу савоб ишга қўл урган ҳамшаҳарлар 70 та ана шундай маскан ҳудудида тозалаш ишларини олиб боришди. Айниқса, бу борада пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси томонидан амалга оширилган ишлар эътиборлидир. Туманда қабристонларни обод қилиш ҳафталиги эълон қилинган. Мазкур ҳафталик доирасидаги ишлар мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, туман бош имом хатиби, тумандаги масжид ва қабристонларнинг масъул ходимлари бошчилигида бажарилаяпти.

МУХБИРИМИЗ

Фарғона вилояти

Вилоятда умумхалқ хайрия ҳашари "Озод Ватанга обод маҳаллалар ярашади" шиори остида ўтди. Ҳашарда вилоят бўйича 2 миллион 100 минг нафардан зиёд киши қатнашди.

Ҳашарчилар йўл бўйлари ва хиёбонларни, ариқ ва лотокларни тозалашди, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштиришди. Дарахтларга шакл бериш ва оқлашдан ташқари, 642 минг 557 туп манзарали, 520 минг 561 туп мевали дарахт ҳамда 1 миллион 200 минг тупга яқин гул кўчатлари ўтқазилди. Ҳашар йўли билан 8167 та уй-жойлар таъмирланиб, эҳтиёжманд оилаларга 39 миллион 88 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

2000 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрилаётган Марғилон шаҳрида айниқса, катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Янгидан бунёд этилаётган Ёшлар хиёбони, Маҳаллалар маркази, 2-тиббиёт коллежи, 32-умумтаълим мактаби атрофига ва йўллар бўйига кўплаб мевали дарахтлардан ташқари, 7 минг тупга яқин игнабаргли ва манзарали дарахт ниҳоллари ҳамда 10 минг тупдан ортиқ гул кўчатлари ўтқазилди. Фарғона ва Қўқон шаҳарлари, Қува, Бешариқ, Фарғона, Тошлоқ, Риштон туманларида ҳам умумхалқ ҳашарлари уюшқоқлик асосида ўтди.

Қодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

Бухорои шарифда хайрия ҳашари кунларида Самонийлар боғи, Саид Мир Кулол, Хўжа Пешку, Хўжа Ориф ар-Ревгарий, Чибирдон ота каби қадамжо ва зиёратгоҳларда марказлашган ҳолда таъмирлаш ҳамда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Жумладан, Шофиркон туманида Хўжа Ориф ар-Ревгарий мақбараси ёнида 4 гектарлик, Қоровулбозор туманидаги минг йиллик тарихга эга бўлган Сардоба атрофида 5 гектарлик боғ бунёд этилди. Шунингдек, Ғиждувон туманида А.Ғиждувоний номли маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. Вобкент, Шофиркон, Ғиждувон туманларида янгидан қурилаётган деҳқон бозорлари ҳудудларида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари давомида вилоят бўйича 2149,5 гектар майдон ободонлаштирилди. 41084,3 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. 1398 та зиёратгоҳ ва қабристонлар тозаланди. 402870 туп манзарали, 325927 туп мевали ва 304349 туп гул кўчатлари ўтқазилди. 2824 та уй-жойлар ҳашар йўли билан таъмирланди. 78198,6 млн сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Ҳамроз АЛИ

Бухоро шаҳри марказида жойлашган маҳалламизда умумхалқ ҳашари тадбирлари ҳақиқий байрам тусини олди.

Маҳалламиз фуқаролари ўзлари истиқомат қиладиган кўпқаватли уйлар атрофида ҳашар ишларини олиб боришган бўлса, ҳудудимизда жойлашган 2-сон поликлиника, Асака банки, Уй-жой жамғарма банки, Матбуот тарқатувчи, Ҳарбий прокуратура, Бухоро Ипаги, Нигора, COSCOM каби корхоналар ишчи-хизматчилари ҳамда маиший ва юридик хизмат касб-ҳунар коллежи талабалари маҳалламиздан ўтувчи Б.Нақшбанд номли, Фатхобод, Қарши дарвозаси каби марказий кўчалар атрофини ободонлаштиришга катта ҳисса қўшдилар.

Тадбирда мингдан ортиқ фуқаро иштирок этиб, улар кучи билан 400 та мевали, 275 та манзарали кўчатлар ўтқазилди. 15 нафар кам таъминланган оилаларнинг хонадонларида таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Моира ТОШЕВА, Бухоро шаҳридаги Шайх ул-Олам номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Қашқадарё вилояти

Вилоятда умумхалқ хайрия ҳашари зўр кўтаринкилик билан ўтди. Унда 1 миллион нафардан зиёд киши қатнашиб, 1683 гектар майдон ободонлаштирилди.

Теварак-атроф тозаланиб, 2095 тонна қурилиш ва маиший чиқиндилар чиқариб ташланди. 666 километр масофадаги ариқ ва лотоклар тартибга келтирилди. 3 миллион 600 минг туп манзарали, 250 минг туп мевали дарахт ҳамда 614 минг гул кўчатлари ўтқазилди. 1 миллион 419 мингта дарахтга шакл берилиб, оқланди. 2280 квадрат метр ҳажмдаги турар-жой binolари таъмирланди. 639 та қабристон ва зиёртгоҳлар ободонлаштирилди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун 1424 та техника воситалари жалб этилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари эҳтиёжманд оилаларга 71 миллион 667 минг сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

Сурхондарё вилояти

Вилоятда хайрия ҳашари уюшқоқлик асосида ўтди. Ҳашарда 1 млн. 311 минг нафардан зиёд киши қатнашди.

Улар томонидан 1461 гектар майдон ободонлаштирилди ва 444 тонна чиқинди чиқариб ташланди. 1624 км узунликдаги ариқ-лотоклар тозаланиб, сув йўллари равонлаштирилди. Бундан ташқари, 435 та қабристон ва зиёратгоҳларда ҳам ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 1254 минг туп манзарали, 755,7 минг туп мевали, 724 минг туп гул кўчатлари ўтқазилди. 100 гектардан зиёд ҳудудда янги боғ-роғлар бунёд этилди. 125,5 минг туп дарахт таналари оқланди ҳамда шакл берилди.

Ҳашарда Бойсун, Денов, Шўрчи туманлари ҳамда Термиз шаҳри аҳолиси намунали иштирок этди.

9 мингга яқин кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга 3 млн. сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди.

О.ШУКУРОВ, «Mahalla» мухбири.

Сирдарё вилояти

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 23 февралда қабул қилинган "Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ вилоятда ушбу айёмни юксак даражада ва уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

АЙЁМ ТАРАДДУДИ ҚИЗҒИН

Янгиланиш, яшариш, меҳр-оқибат ва мурувват байрами — Наврўз куни вилоят маркази ва туманларда халқ сайиллари ўтказилади, кексалар, ногирон, хаста, ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олинади. Сайлгоҳларда баҳор таоми — сумалак, ҳалим тарқатилади.

Асосий тантаналар Гулистон шаҳридаги амфитеатрда, маданият ва истироҳат боғида, Дўстлик, Аҳиллик, Бўстон, Улуғобод, Маданият каби қатор маҳалла гузарларида бўлиб ўтади. Санъат усталари, вилоятнинг бадиий жамоалари иштирокида катта концерт дастури тақдим этилади. Ўйингоҳларда спорт мусобақалари, болалар ўртасида варрак учириш, турли халқ ўйинлари, қизиқчилар ва дорбозларнинг чиқишлари уюштирилади. Савдо расталари, кўчма ошхоналар ташкил қилинади. Шунингдек, байрам тадбирларида вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар ўз дастурлари билан иштирок этади.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Д.ЭСОНОВА, ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

МАНҒИТДА КЎРКАМ КОШОНА

Шу кунларда Манғит шаҳридаги Беруний номли маҳалла аҳолиси яна бир қулайликдан баҳраманд бўлди. Маҳалла ҳудудида — "Манғит-Қипчоқ" магистраль йўли бўйида тўй маросимларини ўтказишга мўлжалланган кўркам мажмуа бунёд этилиб, дастлабки мижозларни қабул қилди.

Бу ерда 400 ўринли зал, ошхона, аёллар ва эркаклар гўзаллик салони, тўй либослари дўкони мавжуд. Биринчи ҳафтада 4 нафар бахтли ёшларнинг никоҳ тўйлари барча имкониятларга эга ушбу кўркам кошонада ўтказилди.

Асил БЕК, "Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

10-11 март кунлари вилоятимиздаги 1 миллион 150 минг нафар аҳоли умумхалқ хайрия ҳашарида иштирок этди. Улар томонидан 1 миллион 667 гектар майдонлар ободонлаштирилди, мингдан ортиқ техника воситалари ёрдамида 3,5 минг тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. 2325 километр ариқ ва бетон-ариқлар тозаланди. 658 та қабристонларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Ҳашар кунлари 1,7 миллион туп манзарали, 975 минг туп-дан зиёд мевали дарахт кўчатлари, 2 миллион тупдан зиёд гул кўчатлари ўтқазилди. 3,5 миллион тупдан зиёд дарахтларга шакл берилиб, оқланди. 31,5 минг квадрат метрдан зиёд уй-жойлар таъмирланди. Кам таъминланган, ногирон, якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олинди. Уларга 39,7 миллион сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

Вилоят ҳудудида бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида 724680 нафар киши иштирок этиб, 556 гектар майдон ободонлаштирилди, 497 километр ариқ ва лотоклар тозаланди, 245 та зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди.

Шу куни эҳтиёжманд оилаларга 7961 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди ва 21269 метр квадрат уй-жойлар таъмирдан чиқарилиб, эҳтиёжманд кишиларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Умумхалқ ҳашари айниқса, вилоятнинг Жиззах шаҳри, Мирзачўл, Арнасой, Ғаллаорол туманларида уюшқоқлик билан ўтказилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасидаги тадбирлар эса жойларда қизғин давом этмоқда. Ҳозиргача вилоят бўйича жами 217,7 мингта мевали, 849,3 мингта манзарали ҳамда 4765 мингта гул кўчатлари ўтқазилди.

Д.ЖЎРАЕВА

Тошкент вилояти

"ДИПЛОМАТЛАР БОҒИ"да ЭКОЛОГИК ҲАШАР

10 март куни "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти "Мева-шарбат" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Р.Шредер номидаги илмий-тадқиқот институти ҳудудида экологик акция ва ҳашар ташкил этди.

Аньанага кўра, мазкур ҳашарда давлат арбоблари, ёзувчи, шоир ва депутатлар, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари, санъанкорлар, эколог олимлар қатнашди. Ҳашарда институт боғига турли навли дарахт кўчатлари ўтқазилиб, илгари асос солинган "Дипломатлар боғи"нинг майдони кенгайтирилди.

Хайрия ҳашарида "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти томонидан Тошкент тумани марказий шифохонаси ва кам таъминланган оилаларга 3 млн. сўмликдан зиёд инсонпарварлик ёрдамлари топширилди.

МУХБИРИМИЗ

СУРАТЛАРДА: *"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти томонидан ажратилган инсонпарварлик ёрдамлари;*
дипломатик корпус вакиллари Р.Шредер ҳайкали пойига гулдаста қўйишмоқда.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Самарқанд вилояти

2750 йиллиги нишонланадиган Самарқанд шаҳрида бугун катта тўйга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Шаҳардаги барча объект ва маҳаллаларда, ташкилотларда кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Айниқса, янги қуриладиган юбилей объектларида иш қизғин. Юбилей муносабати билан шаҳарда 120 дан ортиқ янги иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Шаҳар кўчаларини бир-бирига боғловчи ўн километрга яқин кенг ва равон йўллар қурилиши аллақачон бошлаб юборилган. Янги қурилаётган "Бахт уйи", санъат саройи, иккита автосалон, иккита супермаркет, 25 та хусусий меҳмонхоналарда қурилиш ишлари бирин-кетин тугалланиб, фойдаланишга топширилаятпи. 60,8 километр ҳажмда газ, 74,5 километр ҳажмда тоза ичимлик суви тармоқлари қурилиши, 26,9 километр қувурларни капитал таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Умумхалқ хайрия ҳашари нафақат Самарқанд шаҳри, балки бутун вилоят аҳли учун ана шу кенг кўламдаги ободончилик, бунёдкорлик ва кўкаламзорлаштириш ишларининг давоми бўлди. Ҳашар кунларида 1987,6 гектар майдон ободонлаштирилиб, 3505,3 тонна турли маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. 1462,5 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар қазилиб, 45 дан зиёд қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди. Шунингдек, жойларда 1557901 дона мевали ва манзарали дарахт ва 835126 дона гул кўчатлари ўтқазилди.

Ҳашар кунлари фуқаролар йиғинлари ходимлари, саховатпеша инсонлар томонидан эҳтиёжманд оилаларга 19607,3 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилиб, 24466 метр квадрат уй-жойлар таъмирлаб берилди.

Рустам ҲАЙИТОВ, "Mahalla" мухбири.

Тошкент — ислом маданияти пойтахти

Воқеалик ва унинг моҳияти

ДОНО СИЁСАТНИНГ ЖАҲОНИЙ ЭЪТИРОФИ

Мустақил мамлакатимизнинг ўтган ҳар бир йили юрт тарихи саҳифаларига қутлуғ саналарни муҳрлаб келмоқда. Умумжаҳон ташкилотларидан бири — Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислом ташкилоти (АЙСЕСКО) томонидан мамлакатимиз пойтахти Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилиниши ҳам ушбу йилнинг мамлакатимиз тарихида янги саҳифалар очишидан дастлабки белги бўлди. Пойтахтимизга берилган бу мақом бутун Ўзбекистонда айнан шу йўналишда амалга оширилган улкан ўзгаришларнинг эътирофи бўлгани боис бундан мустақил юртимиз аҳли чексиз фахр-ифтихорга тўлиши табиий бир ҳолдир. Осиё қитъасининг минглаб шаҳарлари ичидан айнан Тошкентнинг шу юксак мақомга лойиқ кўрилганлигининг омили, бу юксак унвон замирида, унинг мазмун-моҳиятида нималар асосий роль ўйнаганлиги ҳақида Президентимизнинг "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида батафсил тушунча берилди ва бу тушунча халқимиз онгига оммавий ахборот воситалари орқали етиб борди.

Шубҳасизки, мазкур нуфузли ташкилотнинг бу қарори юртимизда ислом маданияти тарихига, унинг шу кунлардаги ҳолатига берилаётган юксак баҳо бўлиши билан бирга, бу борадаги ишларнинг келажак йўлини ҳам айнан бизнинг юртимизда кўриш мумкинлигига бу ташкилотнинг катта ишончи борлигидан далолатдир. Бу ишончнинг ҳаётийлиги эса мамлакатимиз Президентининг яқинда эълон қилинган "Ҳазрати Имом" (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Қарори ва унинг ижросини таъминлаш борасидаги ҳаракатларнинг шу кунлардаги суръати орқали ўз нисбатини топмоқда.

Маълумки, Ислом конференцияси ташкилоти 1969 йилда араб мамлакатларидан бири Марокашнинг пойтахти Работ шаҳрида тузилган эди. Ҳозирги вақтда асосан, Осиё ва Африка қитъаларидаги 57 мамлакатни ўз сафида бирлаштирган ушбу ташкилотнинг қароргоҳи Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган. 1996 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ҳам мазкур ташкилот аъзолари сафидан жой олган. Ҳозирги вақтда Ислом конференцияси ташкилотининг Бош котиби лавозимида туркиялик таниқли олим, профессор Акмалиддин Эҳсон ўғли фаолият кўрсатади. У 2004 йилнинг декабрь ойидан эътиборан, бу юксак лавозимни эгаллаб келмоқда.

Акмалиддин Эҳсон ўғли 1980 йилдан 2004 йилнинг охиригача, қарийб 25 йил давомида, Ислом конференцияси ташкилотига қарашли Истамбулда жойлашган Ислом тарихи, санъати ва маданияти илмий марказининг (IRCICA) Бош директори лавозимида фаолият кўрсатган. У Ислом тарихи ва маданиятига доир кўплаб китоб ва рисолаларнинг муаллифи сифатида илмий доираларда шуҳрат қозонган. Профессор Акмалиддин Эҳсон ўғлининг Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар тарихи, хусусан, Мирзо Улуғбек салтанати даври тарихи ва маданиятига оид қатор мақолалари ҳам илм аҳлига яхши маълум. У Ўзбекистон мустақилликкa эришгандан кейин мамлакатимиз олимлари ва илмий муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилган олимлардан ҳисобланиб, юртимизда кўп бор бўлган, яъни 1996 йили Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги ва 1998 йилда буюк муҳаддис имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик юбилейи тантаналарида фаол иштирок этиб, халқаро илмий анжуманларда қизиқарли маърузалари билан қатнашган. Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан профессор Акмалиддин Эҳсон ўғли биринчилар қаторида Президент Ислом Каримов номига юборган самимий қутловида Юртбошимизнинг, ҳукуматимизнинг маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Ислом конференцияси ташкилоти қарамоғидаги таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи муассаса (АЙСЕСКО)нинг Бош котиби сифатида доктор Абдулазиз Усмон ат-Тувайжарий фаолият олиб боради. У ушбу лавозимда 1991 йилдан буён ишлаб келмоқда.

Юртимиз тарихида ўлкамизнинг турли шаҳарларидан ислом динининг амалий ва назарий жиҳатларини соғлом тафаккур ва теран ақл-идрок билан талқин қиладиган буюк алломалар, муфассирлар, муҳаддислар, фақиҳлар, мутакаллимлар етишиб чиқдики, уларнинг қимматли илмий-маънавий меросларини жумлаи жаҳонга яхши маълум. Бу бебаҳо талимотлари ва асарлари билан улар исломий тафаккур ва ислом маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди.

Биргина буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони имом Бухорийнинг бетакрор илмий салоҳияти ислом олами меросини қай даражада бойитганлиги бутун дунё аҳлига маълум ҳақиқат. Шунингдек, бу ҳақиқатни англаш учун унинг замондошларидан бири, таниқли ҳадисшунос Иброҳим ибн ал-Қаллос "Имом Бухорий билмаган ҳадис, бу ҳадис эмас", деб, унга берган баҳонинг моҳиятига етиш кифоя. Шунингдек, юртимиздан чиққан яна бир буюк муҳаддис имом Термизий унинг "Кимки имом Термизийнинг "Аш-Шамоил ан-Набавиййа" ("Пайғамбарнинг шаклу шамоиллари") номли китобини диққат билан мутолаа қилса, у киши ўзини бамисоли Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни шахсан кўриб, у зоти шарифнинг суҳбатларидан бахраманд бўлгандек, сезади", деган тавсифига сазовор бўлган. Хоразмлик буюк аллома Маҳмуд Замахшарий исломий илм ва маданиятидаги мислсиз хизматлари туфайли камдан-кам олимларга насиб этадиган буюк унвону лақабларга сазовор бўлган. Хоразмлик бу аллома араб тили грамматикаси ва бу тилнинг луғатшунослиги, балоғатига оид муҳим асарлари билан бутун Мағрибу Машриқда яхши маълум. Шу боисдан ҳам араб олимларидан бири у ҳақда: "...Маҳмуд Замахшарий бўлмаганда, араблар ўз тилини билмас эдилар" деган.

Узоқ йиллар дахрийлик (атеистик) муҳити исканжасида яшаган Ўзбекистонда тарихан ниҳоятда қисқа муддатда ислом дини, исломий маданият ва маърифатнинг ривожи, виждон эркинлиги ва диний эътиқодни тўлиқ таъминлаш масалаларида амалга оширилган муҳим ишларнинг кўлами шу қадар улкан ва кенг қамровлики, у ҳар қандай кишини ҳайратга солади, унинг кўламини биргина мақолада кўрсатиб ўтиш мумкин эмас.

Бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат кимларнидир безовта қилаётгани ҳам бор гап. Донишманд халқимизнинг "Мевали дарахтга тош отилади" деган буюк бир ҳикмати бор. Йўқса, юртимизда ислом динига, шунингдек яна бошқа динларга эътиқод қилувчиларга нафақат эркинлик, балки шарт-шароитлар яратиб берилаётган бир пайтда — 2006 йил ноябрь ойида оммавий ахборот воситаларидаги АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон "Диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар" деб аталмиш рўйхатга киритилгани ҳақидаги хабарни қандай тушуниш мумкин? Ёки бўлмаса, Вест-Поинтда жойлашган АҚШ Ҳарбий академияси қошида фаолият юритувчи Антитеррор марказининг хабар беришича, яқинда улар томонидан жиҳод ҳаракатининг ғоявий етакчилари ва уларнинг энг кўп тарқалган ишлари таҳлил қилинган "Жиҳодчиларнинг ғоявий харитаси" тузиб чиқилган экан. Мана шу харитага кўра, "Замонавий Ислом террорчиларига энг кўп таъсир ўтказадиган алломалар" рўйхатига ҳадис илмининг султони имом Бухорий ҳазратларининг номини ҳам беҳижолат киритиб қўяверишганини-чи?

Демак, бу ўринда Президентимизнинг "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсидаги "Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида маънавият ва маърифат аҳли, олимлар, зиёлиларимиз, оммавий ахборот воситалари вакилларидан, бир сўз билан айтганда, шу Ватанга меҳр қўйган ва ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсондан фаоллик ва фидойиликни талаб этади", дея бизнинг олдимизга юксак, масъулиятли вазифа қўяётганликлари ҳам бежизга эмаслигини рўй-рост англаб етасан киши.

Убайдулла УВАТОВ,
Тошкент Ислом университети Манбалар хазинаси мудири, тарих фанлари доктори.

Йиғинга бошчи аёллар фаолиятидан

Андижон вилояти

ОЗОДЛИКЛАР АЙЛАНМА ЙЎЛДАН ЮРМАЙДИ

Кўрғонтепа туманидаги Озод маҳалласида кейинги йилларда юз берган ижобий ўзгаришларни ҳеч иккиланмай истиқлол шарофатидандир, дейиш мумкин.

... Маҳалланинг шундоққина "биқини"дан "Андижон — Хонобод" магистраль йўли ўтар, ғизиллаб кетаётган машиналарни ҳамқишлоқлар армонли нигоҳлар билан кузатиб қоларди. Сабаби, туман маркази ва Қорасув шаҳрига элтувчи бу йўл билан қишлоқ ўртасида Андижонсой шовуллаб оқар, одамлар марказга ёки Қорасувга бориш учун 13-15 чақирим айланма йўлни босиб ўтишга мажбур эди...

Туман ҳокимлиги маҳалла аҳлининг кўприк қуриш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади. Тез орада қурилиш ашёлари келтирилди, қурувчилар иш бошлади. Маҳалла аҳли ҳам қараб турмади, ҳашар кетидан ҳашар қилди. Натижада Андижонсой устига узунлиги 22, эни 6 метрли, ҳар қандай машина бемалол ўта оладиган замонавий кўприк бунёд этилиб, озодликларнинг узоғи яқин бўлди

2000 йилнинг бошларида қишлоқ яқинидан ўтган газ магистралидан уч километр масофага қувур тортилиб, қишлоқ хонадонларига "зангори олов" кириб келган эди. Турмуши фаровонлашган озодликлар энди уй-жойларини, кўча ва йўлларини созлаб, ободончилик ишларига киришдилар. Айни кунларда Озодга қўшни бўлган Маданият маҳалласига ҳам газ қувурлари тортилмоқда.

— Тўғри, бозор иқтисодиётига ўтиш даврига хос бўлган қийинчиликлар, муаммолар йўқ эмас, — дейди йиғин раиси Келсиной Сўфибекова, — лекин биз уларни бирма-бир ҳал этиб бораяпмиз-ку! Ўзим пенсияга чиққунча кўп йиллар маҳалламиздаги мактабда директор бўлиб ишладим. Ўша пайтларда баъзан меҳмонлар келганида мактабимизнинг эскилигидан, замонавий ўқув қуроллари воситасида дарс ўтиш учун шароитлар йўқлигидан афсусланардим. Мана, ўтган йили халқ таълими соҳасида бутун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида маҳалламиздаги 18-ўрта мактаб биноси ҳам капитал таъмирдан чиқарилди, замонавий жиҳозланган спорт зали қуриб берилди.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ—24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини амалга ошириш жараёни мониторинги» лойиҳаси йўналишида тайёрланди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ.
СУРАТДА: *йиғин раиси Келсиной Сўфибекова маҳалла фаоллари билан.*
Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

Сурхондарё вилояти

Маҳалла — жамиятнинг муҳим бўғини. Унинг фаолият кўлами кенг, салмоғи эса залворли. Айниқса, меҳнаткаш халқни ижтимоий ҳимоя қилиш, тарихан таркиб топган миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш борасида маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

ТЕРМИЗДА ТАРАҚҚИЁТ

бунга маҳалла фидойилари кўмагида эришилаяпти

Термиз шаҳрида 30 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд. Уларда истиқомат қилувчи аҳолининг умумий сони 120 минг нафар кишини ташкил этади. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш борасида маҳаллаларда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар бир маҳалла ҳудудида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу эса ҳудудда янги иш ўринларининг яратилишига сабаб бўлаяпти. Маҳаллаларда касаначилик ҳам кенг қулоч ёзиб, бунинг самараси ўлароқ, қисқа вақт ичида 250 нафардан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланди. Шаҳримизда тадбиркорларнинг сони кундан-кунга кўпайиб, уларнинг 400 нафарини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Тадбиркорлар маҳаллаларда мавжуд бўлган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кишиларни, меҳнат ва уруш фахрийларини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб келмоқдалар. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида эҳтиёжманд оилалардан 70 тасига, ногиронлардан 24 кишига, боқувчисини йўқотганларнинг 56 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. 60 нафар оиланинг сув, газ ва электр энергияси тўловлари амалга оширилди. Шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда маҳаллаларимиздаги 30 нафардан ортиқ кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказиб берилди. Халқ банкига уларнинг номига омонат пул маблағи ҳам қўйилди. Бундай хайрли тадбирларни биз шаҳар хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ҳам тез-тез ўтказиб турамиз. Турли байрамлар арафасида Меҳрибонлик уйларига ташриф буюриб, совға-салом ва кийим-кечаклар билан болажонларнинг ўксик қалбларини хушнуд этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунингдек, маҳаллаларда ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун кенг йўл очиб берилган. Спортнинг футбол, волейбол ва миллий кураш турлари йигит-қизларимизнинг севимли машғулотларига айланган. Улар маҳаллалараро, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турли спорт мусобақаларида ўз маҳоратларини намойиш этиб келмоқдалар.

Бундан ташқари, маҳаллалардаги ҳар бир хонадоннинг турмуш-тарзи, тотувлиги, шу оилаларда камол топаётган ҳар бир ёш ўғил-қизнинг хатти-ҳаракатлари ҳам маҳалла раислари ва маслаҳатчиларининг доимий эътиборида. Маънавий-ахлоқий ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш масалалари ҳам яхши йўлга қўйилган. Маҳаллалараро "Санамлар сарвари", "Ибратли оила", "Намунали хонадон" каби кўрик-танловлар ўтказиб турилади. Дўстлик, Юлдуз, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, Наврўз маҳаллаларида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашда Соҳиб Норбоев, Абдурашид Нурматов, Шербек Бобоев, Жўра Умаров сингари маҳалла посбонларининг ҳиссаси катта.

Ҳа, бугун маҳаллаларнинг самарали фаолияти Термизнинг янада тараққий этишига муносиб ҳисса қўшаяпти.

Маҳмуд АБУЛХАЙРОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Термиз шаҳар бўлинмаси раиси.

Ер эгаси ютуғи

Қашқадарё вилояти

ФАЗЛИНИНГ ФАЙЗЛИ БОҒЛАРИ

Касби тумани Фазли қишлоғи ҳудудидаги фермер хўжаликлари асосан боғдорчиликка ихтисослашган бўлиб, катта йўл бўйида ўнлаб гектар майдонни эгаллаган ва бир текисда экилган эртапишар олмаю ўрик, шафтоли, бодом, хурмо, анор ва анжир дарахтларининг чиройли қишлоқ кўркига кўрк қўшмоқда. Айниқса, баҳор фаслида бу ердаги манзара янада гўзаллашади.

Туман боғдорчилиги ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган боғбонлардан бири Достон Панжиевдир. Унинг отаболари ҳам боғдорчилик билан шуғулланган боис болалигиданоқ бу касбга меҳри баланд эди. У Панжиев Достон номли фермер хўжалигини ташкил этди ва қисқа вақт ичида уни серҳосил боғга айлантирди.

— Дастлаб ширкат хўжалиги раиси Гелдиёр Азизовнинг ёрдами билан 10 гектар ерда "Нуронийлар" боғини барпо этдик. 2002 йилда ширкат тугатилгач, 4 минг туп кўчат сотиб олдим. Бундан ташқари, Қарши туманидаги боғдорчилик хўжалиги билан алоқа ўрнатиб, кўпгина кўчатларни пайвандладим ва менга ажратилган 3 гектар майдонда янги боғ барпо этдим, — дейди Д.Панжиев.

Боғдан олинаётган ҳосилнинг бир қисми бозорга чиқарилаётган бўлса, қолган қисми қайта ишланаяпти. Бу борада фемер туман консерва ишлаб чиқариш заводи билан узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик шартномасини имзолаган.

Айни кунларда боғда иш қизғин. Кимдир ариқ тозалаётган бўлса, яна кимдир дарахтларнинг танасини оқлаш, уларни зараркунандаларга қарши дорилаш билан банд.

Дўстмурод ҲАҚНАЗАРОВ

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА

"...Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ҳақидаги талабларга жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат)лар туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар."

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳамоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасидан.

Тошкент вилояти

«Меҳр кўзда»да ДИЙДОРЛАШУВ: 60 ЙИЛДАН СЎНГ

"Ўзбекистон" телеканалида намойиш этилаётган "Меҳр кўзда" кўрсатувининг навбатдаги сони Бекобод шаҳридаги Ёшлар уйида суратга олинди. Унга яқинлари билан топишиш умидида бўлганлар, шаҳар ва туман маҳаллалари оқсоқоллари, фаоллари таклиф этилди.



Суратга олиш жараёнидаги энг ҳаяжонли дақиқалар Бекобод туманида яшовчи 80 ёшли Абдунаби ота Салимбоев билан унинг болаликдаги дўсти — наманганлик Тожимирзо ота Қосимовларнинг дийдорлашуви бўлди. Отахонлар сўнгги бор бундан 60 йил аввал, йигитлик чоғида кўришган экан. Уларнинг оилалари 1931 йили Украинанинг Херсон вилоятига қулоқ қилинган эди. 1947 йилда Қосимовлар оиласи Наманган вилоятининг Учқўрғон туманига, Салимбоевлар эса Бекобод туманига кўчиб келган.

Теледастур бошловчиси Асрор Аброрхўжаевнинг айтишича, "Меҳр кўзда" кўрсатувининг ташкил топганига 4 йил тўлди ва шу чоққача улар жойлардан 16 минг дона атрофида хат олган.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган суратлар.

Жиззах вилояти

ҚУРИТАН ДАРАХТЛАР ..ТОМНИ БУТЛАДИ

уларнинг ўрнида янги кўчатлар илдиз отмоқда

Арнасой тумани Айдаркўлнинг кўз илғамас сув сарҳадлари билан чегарадош. Кўлдан эсаётган салқин шабада энди ниш уриб чиқаётган майсалалрни оҳиста тебратади. Ана шундай гўзал манзара узра бободеҳқонларнинг яхши ният билан дарахтларга шакл бераётганию кўчат экаётганини кўрасиз.

— Туманимиз иқлими асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга мослашган, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Нўъмонжон ака Файзиев. — Ҳудудимизда айниқса, манзарали дарахтларни кўпроқ экишнинг аҳамияти катта. Баъзан Қизилқум чўлидан келадиган қум қуюнларининг йўлини ана шу дарахтлар тўсиб қолади.

Тумандаги биргина "Олтин водий" агрохизмат марказига қарашли "Ўрмонтепа-Жаҳонгир" фермер хўжалиги ишчилари ушбу кўклам кунларида 10 мингта кўк терак қаламчаси, 200 та ёнғоқ, 100 та хурмо, 1000 та олма, 150 та ток кўчатларини экишга эришдилар. Бу биргина фермер хўжалиги фаолиятидан мисол, холос. Бундай фермер хўжаликларининг сони туманимизда 630 тани ташкил этади.

Айни кунда тумандаги қай бир маҳаллага борманг, ҳамма жойда баҳорий ташвишнинг, наврўзолди тайёргарликнинг гувоҳи бўласиз.

Одатда халқимизда қуриган дарахт бехосият бўлади, дейишади. Арнасойда ер ости шўр сувининг таъсирида қуриган дарахтларнинг мавжудлиги Нўъмонжон акани анчадан буён ўйлантирарди. Бу йил эса бунинг ҳам иложи топилди. Яъни, Зомин туманидаги "Зангори камалак" номли фирма билан шартнома тузилди. Улар бизга кўчат етказиб берди.

— Нўъмонжон яхши тадбирлар йўлида тиниб-тинчимайди, атрофдагиларни ҳам тиндирмайди, — дейди Арнасой тумани ҳокими Миролим ака Абдураҳмонов суҳбат чоғида мамнуният билан. — Бултур ҳам у кишининг таклифи билан қуриган дарахтлар ҳисобига туман марказидаги Алпомиш кўчасида жойлашган икки қаватли уйлардан бирининг томи қайта ёпилиб, 5 тасининг томи эса таъмирланди. Бу юмушлар четдан ишчи кучи жалб этилмасдан, ҳашар йўли билан амалга оширилди. Бу йил яна 3 та икки қаватли уйнинг томини худди шундай тартибда таъмирлашни режалаштирганмиз.

Шу кунларда Арнасойда наврўзолди ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари авжида.

Д.ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ЕР ВА ИБОДАТХОНА КЎЧИРИБ ОЛИБ КЕЛИНДИ

Швейцариялик қадимшунослар 400 тонналик улкан ерни шундоқлигича кўчириб, музей очиладиган жойга олиб бордилар. Чунки бу майдонда 12 минг йил аввал қадимги овчилар яшаган экан. Майдонга ҳали ҳеч кимнинг оёғи етмаган эди.

* * *

Ҳиндистонлик олим ва қурувчилар ўрта аср Ҳинд меъморчилигининг қадимий ёдгорлиги — Андҳра-Прадеш штатидаги Кудавелли Сангамешвара ибодатхонасини қутқариш учун бошланган ноёб операцияни ниҳоясига етказдилар. 20 метр баландликдаги бу бино Кришна дарёсида тўғон қурилаётганлиги сабабли сув босиб кетмаслиги учун 600 метр четга кўчирилди. Бу ишни бажариш учун 10 йилдан ортиқ вақт кетди. Салкам минг йил муқаддам харсанг тошлардан қурилган ибодатхона эҳтиёткорлик билан бузиб олинди. Сўнгра ҳар бир тош ва қурилган ибодатхона деворларидаги турли жиҳозлар махсус ишланган ғўлалар устида юргазилиб, бошқа жойга олиб борилган. Бу ишларнинг ҳаммаси қўлда бажарилган. Ибодатхона тошларининг бирортаси ҳам шикастланмаган.

ДАЛАДАГИ "НОНУШТА"

Американинг Небраска штатидаги Линколн шаҳри аэропортидан самолёт учаётганида ҳам, қўнаётганида ҳам қўлқоучилар юқоридан туриб ўн икки гектар ерни эгаллаган "полотно"ни кўришлари мумкин.

"Фермернинг нонуштаси" дейилган бу натюрмортни Ассом Стэн Хёрд мўйқалам ва бўёқни плуг ва ғўлаққа алмаштириб ишлаб этган. У бу расмни акс эттириш учун далада турли хил — буғдой, лавия, кунгабоқар, гречиха ва бошқа ўсимликлар уруғидан фойдаланган.

Самарқанд вилояти

«Mahalla» Ёдномаси

ЗАРБАНДЛИК ВАТАН КУЙЧИСИ

Мана, қишнинг қаҳратонлари ортга чекинди. Баҳор, Наврўз ташрифи туфайли жаннатмакон юртимиз кундан-кун гўзаллашиб, янада чирой очмоқда. Шундай кезлари раҳматлик акам, шоир Абдулла Турдиев ёдимга тушаверади.

Сабаби, у барча фасллар ичида баҳорни жуда севарди. Айниқса, ўзи туғилиб ўсган гўша — Иштихон туманидаги сўлим маскан Оқтоғ этагидаги Зарбанд қишлоғининг кўклам манзарасидан завқланарди, барча байрамлар орасида Наврўзни алоҳида ардоқларди. Фаолияти юзасидан пойтахтда яшаса-да, баҳор ойларида Зарбандга тез-тез келишга имкон топарди. Ҳар баҳор дўст-ёрлар, қадрдонлар билан ям-яшил майсалар устида суҳбат қуришни, шеърхонлик қилишни ёқтирарди. Шу боисданми унинг ижодида она Ватанимизни, унинг баҳордаги чиройини тараннум этувчи шеърлар жуда кўп. Таниқли қўшиқчи санъаткорларимиз Озода Назарова, Гулбаҳор Эрқулова, Муяссар Раззоқовалар томонидан куйга солинган "Шодонлигим шодлигим", "Наврўзим", "Сумалак" каби шеърларида акамнинг ўз юртига бўлган меҳри яққол акс этган. Бу қўшиқлар ҳамон кўнгилларга завқ улашмоқда. У Ватанимизни мадҳ этувчи асарлар учун эълон қилинган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловида ҳам ғолиб бўлганди. Қолаверса, шоир акамнинг меҳнатлари ҳукуматимиз ва Президентимиз томонидан муносиб тақдирланди, унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" деган юксак унвон берилди. Юртбошимизнинг миннатдорчилик сўзлари битилган мактубни олганда, бу шарафдан шоирнинг боши осмонга етганди.

Маҳалла мавзусига ҳам Абдулла Турдиев ижодкорлар орасида биринчилардан бўлиб қўл урганди. "Маҳалла" номли шеърини ёзганда, уни энг аввал маҳалладошларимиз даврасида ўқиб берганини зарбандликлар ҳамон эслаб юришади.

Фаолиятим маҳалла билан боғлиқ бўлгани учун ҳам бу шеърни бот-бот ўқиб тураман, завқланаман. Баҳор таровати ила кўнгиллар ёришган, табиат ёшарган айни кунларда ўша шеърни севимли газетамиз муштарийлари эътиборига ҳавола этиб, ўз завқимни улар билан баҳам кўришни истадим.

Убайдулла ТУРДИЕВ,
Иштихон туманидаги Зарбанд маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛА

Фарзандсан — онадир... маҳалланг — эй, дўст,
Улғайган бешигинг, илк алланг — эй, дўст.
Нонинг бутун бўлса, бағри бутундир —
Қувонсанг — қўшиғинг ва ялланг — эй, дўст.

Айт, гузар ободми — кўз-кўз қилгулик,
Гўзаллик бунёдми — кўз-кўз қилгулик?
Қусурлар кўпми ё... гап-сўз қилгулик —
Меҳрингдан тафтлими қиш-чилланг — эй, дўст?

Ҳар битта болага ҳар чоғ, ҳар палла
Ки, ота-онадир етти маҳалла...
Мўминми, қобилми — айтгил баралла
Қиз ёхуд ўғилдир — ҳар боланг... эй, дўст.

Боқ, қай бир оила кун кўрар ночор,
Негадир андуҳли кўнгил сози-тор.
Ўзингга тўқсан сен — ҳамма нарса бор —
Савобга йўл очсин зар-тилланг — эй, дўст.

Миллатнинг суврати — ҳар бир тўй-ҳашам,
Истиқлол биноси, бўйла, муҳташам.
Маҳалла — бу Ватан ҳаммамизга ҳам —
"Бор бўл, — дер — эй, Юртим!", Абдулланг — эй, дўст!..

Абдулла ТУРДИЕВ.

1999 йил 20 ноябрь.

Хазинадаги тарихий мерос

ХАТТОТ ХИЗМАТИ — ТАРИХ ТИЛСИМИ

Ўтмишда Ўрта Осиёда китоб нашр қилинмаган даврларда фаннинг қайси соҳасига оид бўлмасин, ҳамма асарлар, қўлёзма нусхалар кўчириш йўли билан кўпайтирилган. Бу машаққатли ҳамда хайрли иш илмли, тажрибали, истеъдодли, қўлигул хаттотлар томонидан бажарилган.

Аждодларимиз томонидан турли даврларда ёзиб қолдирилган қўлёзмалар халқимизнинг ўтмиш маданияти, тарихи ва турмуш тарзини ўрганишда қимматли маълумотлар берувчи ишончли манба, ҳужжатдир.

Маълумки, ўз даврида Қўқон ва Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлиги хазиналарида сақланган ноёб қўлёзмалар, ҳужжатлар, тарихий китоблар 1870-1900 йиллардаги урушлар даврида турли томонларга олиб кетилди. Олиб кетилган китоб ва қўлёзма асарларнинг энг қимматлилари Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия, Эрон, Россия каби мамлакатлардаги нуфузли музейларнинг китоб жавонларида сақланмоқда. Ноёб қўлёзма асарлар ва китобларнинг бир қисми ўз юртимизда — олимлар, маърифатпарварлар ва йирик савдогарларнинг шахсий кутубхоналарида, шунингдек, мадраса ва масжидларда сақланган. Булардан ташқари, шундай қўлёзма асарлар ва китоблар билан савдо қилувчилар қўлида ҳам анча манбалар тўпланган. Фикримизнинг далили сифатида бир нечта мисоллар келтирайлик: 1873 йили Хива хонни саройида мусодара қилинган қўлёзмаларнинг сони тўғрисида шарқшунос Александр Кун қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдирган: "Хивага юриш вақтида мен қуйидаги илмий материалларни тўпладим: хон саройини мусодара қилиш вақтида шарқ қўлёзмаларидан иборат 300 китоб тўпланди, шулардан 129 таси сарлавҳалик 140 жилддан иборат тарихий қўлёзмалар, 30 жилддан иборат шарқ шоирларининг девонлари, 50 жилддан иборат 40 та ҳуқуқий ва диний асарлардир. Бундан ташқари, 18 та "Қуръон" ва 50 та дарс китоблари ҳам тўпланди. Менинг қўлимда Хива хонларининг тўлиқ тарихи, шарқ қўлёзмалари, қадим замонлардан тортиб то 1873 йилга қадар бўлган воқеаларни баён қилган қўлёзмалар бор."

"Вақт" газетасининг 1907 йил март сонида босилган хабарда Тошкент ўқитувчилар семинариясининг ўқитувчиси Беляев Ўрта ва Шарқий Осиё тарихини ўрганиш комитетининг топшириғи билан Бухорога келиб, китоб савдоси билан шуғулланувчилар орқали масжид, мадраса муддарислари билан учрашиб, уларга тегишли бўлган қимматбаҳо ва ноёб қўлёзма асарлар ҳамда китобларни кўздан кечириб, айримларини олиб кетади. Беляев Бухорога қилган сафарида XV-XVII асрларга доир 28 та ёрлиқларни қўлга киритади. Бу ёрлиқлар ичида Амир Темур замонидан қолган "Сулҳ" номли ҳужжат ҳам бор эди.

Яна бир қўлёзмада Чингизхондан Амир Темургача бўлган давр тарихи баён этилган. Шунингдек, бу шарқунос олим "Тарих-и Муқимхон", "Тарих-и Роқим", Фирдавсийнинг "Шоҳнома" каби ноёб асарларини ва 200 тагача турли расмлар, ёғочга ўйиб нақш солинган 30 та эшикни ҳам олиб кетган.

Петербургдан 1914 йили Бухоро амирлигига сафар қилган шарқшунос Закий Валидий (А.Валидов) Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Бойсун, Ғузор, Денов, Сариосиё ва Сурхон воҳасининг бошқа шаҳарларида бўлиб, ерли аҳоли қўлида сақланган Ўрта Осиё тарихига доир илмий жиҳатдан қимматли бўлган қўлёзма асарларни тўплайди.

А.Валидов Қўқонда бўлиб, кейин Фарғона Музофотида Ўрта Осиё тарихи ва адабиётига оид бир қанча қўлёзмаларни кўздан кечириб чиқади ва тўплайди. 1900-1902 йилларда мусодара қилинган Дукчи Эшон кутубхонасидаги 750 та қўлёзма асарлар ва нодир китоблар топилган. Улар орасида Фиёсиддин Алининг "Темурнинг Ҳиндистонга юришлари кундалиги" ва "Чингизнома" сингари қўлёзмалар бўлган. Ҳарбий тарихчи М.Терентьевнинг ёзишича, Дукчи Эшон кутубхонасидаги китоблар орасида шарқ шоирларининг асарлари, ҳадислар, фиқҳ адабиёти, Қуръон оятлари чоп этилган, ислом тарихига доир китоблар, турли қўлёзмалар бўлган.

Асрлар давомида яратилган ва тўпланган бой тарихий маданий-илмий меросниг бизнинг даврга етиб келганлари — қўлёзма асарлар ва ноёб китоблар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг "Нодир нашрлар ва қўлёзмалар" бўлимида, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг илмий кутубхонасида, Ислом Университетида, шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Тошкент шаҳар музей ва кутубхоналари фондларида эҳтиёткорлик билан сақланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзмалари фонди ўзининг бойлиги ва бу ерда сақланаётган асарларнинг илмий қиймати жиҳатидан йирик ва бой маънавият хазинаси ҳисобланади. Ҳозир бу хазинада 80 мингдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланмоқда. Улар араб, форс, туркий ва бошқа шарқ тилларида ёзилган.

Гулсара ОСТОНОВА,
тарих фанлари номзоди.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Сизнинг интилувчанлигингиз шу кунларда ўз самарасини беради. Ҳафтанинг чоршанба куни шахсий ҳаётингизда туб бурилишлар бўлиши кутилмоқда.

СИГИР(22.04-20.05)
Айни кунларда атрофдагилар билан муносабатда сергакроқ бўлинг. Ким дўсту ким душманлигини аниқлаб олмасдан ҳаммага ҳам кўнглингизни очаверманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ушбу ҳафта сиз кутгандан ҳам яхши келиши мумкин. Режадаги ишлар, белгиланган учрашувлар ҳамма ҳаммаси ижобий якун топиши эҳтимоли бор.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ушбу ҳафтада оилангизда муаммолар юзага келиши мумкин. Бунда бировни айблашдан аввал, ўзингиз қаерда хатога йўл қўйганлигингиз ҳақида ўйлаб кўринг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Пул топаман деб, соғлиғингизга беэътибор бўлманг. Кейин уни пулга ҳам сотиб ололмаслигингиз мумкин. Шанба куни рўзғор буюмлари хариди учун жуда қулай.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Сизни анчадан буён ташвишга солаётган масала шу кунларда ўз ечимини топиши мумкин. Дам олиш кунларини оилангиз даврасида ўтказинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Айни кунларда дўстларингиз билан муносабатда қизиққонлик қилмаганингиз маъқул. Босиқроқ бўлсангиз ўртадаги муносабат ҳам чигаллашмайди.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳафтанинг биринчи ярмида сизга малака ошириш юзасидан таклифлар тушиши мумкин. Пайшанбада молиявий масалалар билан шуғулланманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Мазкур бурж остида туғилганлар шу кунларда узоқ сафарга чиқиши эҳтимоли бор. Якшанба куни майда-чуйда нарсалар билан асабингизни бузманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ҳафта давомида кредит, қимматли қоғозлар ва бошқа турдаги пул маблағлари билан боғлиқ масалаларнинг ижобий ҳал бўлиши кутилмоқда.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Жамоада ўз ўрнингизга эга бўлиш учун ҳамжиҳатликда ишлашга ҳаракат қилинг. "Фақат ўзим" деган шиор билан ҳеч нарсага эришолмайсиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Сиз яхши рухшуноссиз. Шу боис ҳар қандай характердаги одам билан бемалол мулоқотга киришиб оласиз. Айни кунларда мана шу жиҳатингиз жуда қўл келиши мумкин.

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

ёки сочни олиб эвазига кексалар дуосини олаётган ака-укалар

Ёзёвон туманидаги Ҳамза номли маҳаллада яшовчи Адҳамжон Расуловнинг хусусий сартарошхонаси бор. Уни укаси Фахриддин билан бирга йўлга қўйишди.

Фарғона вилояти

Яқинда ака-ука маслаҳатлашиб, ҳафтанинг жума кунлари қарияларнинг соч-соқолини бепул олишни бошлашди. Уларнинг бу ақлли қароридан маҳалла аҳли хурсанд бўлди.

Бахтиёр ЖОЛЧУЕВ

Бокс олами

ҒАЛАБА УЧУН УЗУН ТИЛ ЭМАС, КУЧЛИ ЗАРБА КЕРАК

Германиянинг Мангейм шаҳрида Халқаро бокс федерациясининг ўта оғир вазн тоифасида чемпионлик унвони учун амалдаги чемпион украиналик боксчи Владимир Кличко ва америкалик боксчи Рэй Остинлар куч синашди. Мазкур жангни 16 минг мухлис томоша қилди.



Учрашувдан сал олдинроқ Остин: "Мен ўзимни ҳар доимгидан ҳам кучлироқ ҳис қиляпман ва Кличкони нокаут ҳолатига туширмоқчиман", деган эди. Аммо жанг давомида бунинг акси бўлди. Учрашувнинг иккинчи раундида Остиннинг ўзи нокаут ҳолатига тушди. Владимир эса чемпионлик унвонини сақлаб қолди.

Жанг якунида Владимир кейинги учрашувни россиялик чемпион Николай Валуев билан ўтказиш истагини билдирди. Николай ҳам рақибини узоқ куттирмай, розилик билдириб, бу учрашувни анчадан буён кутаётганлигини айтиб ўтди.

"Албатта, учрашувнинг ташкилий масалалари менежментимга боғлиқ, бироқ мен Кличкога қарши истаган пайтда рингга чиқишим мумкин", деди Николай Россия бокс федерацияси матбуот хизматига.

Ўзининг келбати билан кўплаб хорижлик спортчиларни ваҳимага соладиган ва "Шарқ йиртқичи" номини олган Николай Владимир билан Рэй ўртасида бўлиб ўтган жангга муносабат билдирар экан шундай деди: "Албатта, мен бу учрашувда Кличконинг устун келишига ишонардим. Аммо Остиндан ҳам бунақа мағлубиятни кутмаган эдим. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидаёқ у Кличконинг хавфли томонини аниқлашда хатоларга йўл қўйди".

Правда.Ру

ҚОЗОҚ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ УЧУН КУТУБХОНА

Қозоқ маданият маркази ўз кутубхонасига эга бўлди.

Яқинда мазкур кутубхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, элчихоналар, бошқа маданият марказлари вакиллари ҳамда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қозоқ миллати вакиллари иштирок этишди.

Кутубхона Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилди.

— Китоб — инсониятнинг энг буюк кашфиёти, — дейди Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев, — француз файласуфи Дени Дидронинг "Қачонки инсонлар китоб ўқишдан тўхтасалар, улар фикрлашдан ҳам тўхтайдилар", деган машҳур гапи бор. Тўғри, ҳозирги кунда китобхонларнинг сони анча камайиб қолган, бироқ китобсиз яшаб бўлмайди. Шу боис бугунги тадбир ҳам катта аҳамиятга эга. Агар ҳар бир миллий маданият маркази мана шундай кутубхонага эга бўлса, бу ўша миллатнинг тарихи, тили ва маданиятини ўрганишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, турли халқлар ва уларнинг маданиятини янада яқинлаштиради. Биз кўрсатилган ёрдам учун Қозоғистон элчихонасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Айни пайтда кутубхона жамғармасида 3,5 мингта китоб мавжуд. Бундан ташқари, Қозоғистонда чоп этиладиган газета ва журналларга 2007 йил учун обуна уюштирилди.

Манба: UzReport.com

Диққат, «Mahalla»да ижодий танлов!

"МАҲАЛЛАМ — МЕНИНГ ФАХРИМ"

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда "Mahalla" газетаси таҳририяти мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини ислоҳ этиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг самарасини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, бу жараёнга жамоатчилик эътиборини жалб этиш борасида самарали ижод қилаётган ҳамюртларимизни тақдирлаш мақсадида "Маҳаллам — менинг фахрим" номли ижодий танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:

Танловда иштирок этиш истагида бўлган юртдошларимизнинг ижодий ишлари жорий йилнинг 31 мартидан 31 декабрига қадар (9 ой давомида) "Mahalla" газетаси саҳифаларида чоп этилиши лозим.

Танловга тақдим этиладиган мақолалар, очерклар, лавҳалар, ҳикоялар, бадиҳалар, суратлар ва шеърларда юртимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар ва ўзгаришлар таҳлил этилиб, уларнинг аҳамияти, самараси ёрқин акс этиши, жойларда фуқаролар йиғинлари ва улар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган давлат, нодавлат ташкилотлари фаолиятининг ибратли жиҳатлари холис, таъсирчан ва ишонарли тарзда ёритилиши талаб қилинади. Шунингдек, танлов ғолибларини аниқлашда Ўзбекистонда жорий 2007 йилнинг Президентимиз томонидан "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилингани муносабати билан аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга табақалашган ҳолда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, йил дастури ижросини таъминлаш борасидаги ибратли ишлар, илғор тажрибаларнинг қай даражада ёритилганлиги, юртимизда шарқона анъаналар, миллий қадриятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, яхши қўшничилик, меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириш, аждодларимизнинг кўп асрлик бебаҳо ва улкан меросини тиклаш, кашф этиш, улғаяётган ёшлар шуурида миллий қадриятларга ҳурмат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатлар камол топишида маҳалланинг ўрни беқиёс эканлигини сингдириш, халқимизнинг дунёга танилишида ҳар томонлама баркамол фарзандларни тарбиялаган намунали оилалар ҳамда ўзини маҳалла ташвишу қувончларига бағишлаган фидойи ва саховатпеша инсонлар ҳақидаги ибратли ишларнинг ёритилганлиги ҳам инобатга олинади.

Танловда нафақат газета таҳририятида ишловчи ижодий ходимлар ва журналистлар, балки барча фуқаролар ўз ижодий ишлари билан иштирок этишлари мумкин.

Танлов мукофотлари:

Битта биринчи мукофот — 200000 сўм.
Иккита иккинчи мукофот — 100000 сўмдан.
Учта учинчи мукофот — 50000 сўмдан.
Учта рағбатлантирувчи совғалар.

Танлов ғолиблари 2008 йил бошида — Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг йил якунига бағишланган йиғилиши арафасида аниқланиб, мазкур йиғилишда тантанали равишда мукофотланади.

Материаллар "Mahalla" газетаси таҳририяти манзилига почта, факс ҳамда электрон почта орқали жўнатилиши ёки шахсан тақдим этиши мумкин.

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан "Sofenjen" хусусий фирмасига берилган юридик шахсларни давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳри С.Раҳимов тумани томонидан 2005 йилда якка тартибдаги тадбиркор Сиддикова Мухаббат Тулкуновна номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ЧП "VZGLYAD-AFFR" (код по ОКПО 20440818) Чиланзарского р-на г.Ташкента переобразуется в ООО "VZGLYAD-AFFR". Претензии принимаются в течении 1 месяца со дня публикации по тел: 167-79-95

ЧП "LAZZAT-SERVIS" (код по ОКПО 17384588) М.Улугбекского р-на г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по тел: 64-03-51

ЧФ "YANGI-BOYSUN" Хамзинского р-на г.Ташкента реорганизуется в ЧП "YANGI-BOYSUN". Претензии принимаются в течении одного месяца со дня публикации по тел: 293-17-62

ЧП "AVANTAGE DILING" (код по ОКПО 20085694) ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по тел: 50-84-31

Утерянная трудовая лицензия № 3240 АндВ выданный 14 марта 2006 г. Агенством Внешный Трудовой миграции на имя Ю.ЁНГ. Джун. считать недействительным.

Утерянный кадастр на землю № 1745768594 выданный на имя Шарипову Джамолиддину Каримовичу считать недействительным. Чиланзарский р-н Гавхар 51.

ТСЖ "AVANGARD-KOMMUNAL-SERVIS" Хамзинского р-на объявляет о реорганизации в ТЧСЖ "AVANGARD-KOMMUNAL-SERVIS"
по следующим видам услуг:
1. "Таштеплоэнерго"
2. "Водоканал"
3. "Райгаз"
4. "ПЭС"
5. "Махсустранс"

"Sofenjen" хусусий фирмаси МЧЖга айлантирилади. Манзил: Тош.ш. Т.Расулов кўч. Пр. Офтоб-23

Утерянный устав выданный Мин.юстом в 1995 году на имя Д.П. "GROSSZET GmbH" г.Ташкента считать недействительным.

"Saodat ORZU" хусусий корхонаси МЧЖга айлантирилади. Манзил: Тош.ш. Чорсу 5-уй, 21-хонадон.

Утерянное свидетельство № 2276 выданное стат.управлением г.Ташкента на имя ЧП "MIR TOLQIN" считать недействительным.

"Маҳалла" жамғармаси Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани бўлинмаси Дўстлик маҳалласи йиғини раиси Бозор Ҳакимовга отаси
Эргаш ҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна Берди КУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета тарғиботи учун ҳажми 15 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 14 март 11 (561)

18525 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-220 Топширилди — 23456